



MILLIY TIKLANISH

24 (345)

2015 йил 17 июнь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган жами аҳолининг 31,61 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади

Депутат кўмаги билан Бухоро туманида ахборот-ресурс маркази "ZiyoNET" ахборот тармоғига уланди

Жиззах вилоятида мансабдор шахсларга 47 тақдимнома киритилиб, 16 ноқонуний хужжат бекор қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида

Бугунги кунда она Ватанимиз, Ўзбекистонимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, барча соҳаларда улкан ютуқларга эришяётганини, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни халқимиз авваломбор Яратганимизнинг марҳамати сифатида шукроналик ва розилик туйғуси билан қабул қилмоқда.

Шу борада эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва тоғлиқ муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2015 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 18 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва ҳамоханг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чоратadbирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, сабр-қаноат туйғуларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, барча миллат ва халқлар билан ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этишга қаратилган кенг қўламдаги савобли амаллар, тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу кўтлуг ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуг инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, буюк аллоҳлар, азиз-авлиёларимизнинг табарруқ қадамжолари ва зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 июнь

ЎЗМТДП хотин-қизлари



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

Оқила, фаол ва фидойи хотин-қизлар баҳси

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар ва вилоят босқичлари бўлиб ўтди

Аёл — Яратганининг буюк мўъжизаси. Ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган мўътабар зот. У ўзининг лаптофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати билан оилани оила қиладиган, хонадонларимиз бекаси ва чароғбони...

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, иқтисодий-мизнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Шу боис бугунги кун аёли интеллектуал салоҳияти, ташаббускорлиги, шижоат ва қатъияти, турфа истеъдоди билан жамиятнинг фаол қисмига айланган. Буни юртимиз аёлларининг турли жаҳаларда эришяётган муваффақиятлари яққол исботлаб турибди.

> 2-бет.

Партия ва электорат

Тарихий меросимизни асраш — маънавиятни асраш

бу мақсад-вазифа депутатларни фаолликка ундайди

"Milliy tiklanish" газетасида "Электорат минбари" руқни остида берилаётган мулоҳазали фикрларни мунтазам кузатиб бораёلمиз. Айниқса, газетанинг 10 июнь сонидagi партия аъзоси Рамазон Ражабовнинг "Миллий қадриятларимизни тиклаш ўзгичимизни англаш демакдир" сарлавҳали мулоҳазасини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақолада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамоханг ва уйғунлиги билан ҳам диққатимни тортди.

Электоратимиз вакили таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Буюк аجدодларимиз, азиз авлиёларимизнинг муборак қадамжолари обод гўшаларга айланди.

Истиқлол тухфа этган имкониятлар боис Навоий вилояти ҳудудидаги Мав-

лоно Ориф Дехгороний, Қосим Шайх, Мир Саид Баҳром, Хўжа Хисрав, Тошмасжид тарихий ёдгорликлари, Нурота чашмаси меъморий мажмуасида ҳам кенг қўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳозир бу масканлар маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар билан гавжум, обод манзилларга айланган.

Мақолада таъкидланган, Буюк ипак йўлида жойлашган Работи Малик карвонсаройи ва Сардобани асл ҳолига келтириш, Кармана туманидаги "Мирзачорбоғ" тарихий мажмуасини қайта тиклаш ва ободонлаштириш эса ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ўз ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар. XI асрнинг 70-йилларида барпо этилган Работи Малик карвонсаройи Марказий Осиёдаги монументал меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналаридан бири бўлиб, факат олис юртларга бораётган карвон кўнимгоҳи эмас, ўз вақтида сарҳадни кўриқлаш истеҳкоми вазифасини ҳам бажарган. Катта тарихий аҳамиятга эга бу мажмуани қайта тиклаш ва унинг ёнида жойлашган Сардоба атрофини ободонлаштириш, бу мажмуада тарихий ўлкашунослик музейини ташкил этиш масаласига кўмаклашиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг жорий йилги

иш режасидан ўрин олган. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Жасурбек Шарипов ушбу масала юзасидан Навоий вилоят ҳокимиға депутатлик сўрови киритди. Мазкур сўровни вилоят ҳокимлиги атрофлича ўрганиб чиқди. Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига ташаббус-масала сифатида киритиши белгиланди. Кармана туманидаги "Мирзачорбоғ" тарихий ёдгорлиги мажмуасини қайта тиклашга кўмаклашиш ҳам депутатларимизнинг диққат-этиборида. Мазкур масала жорий йилда атрофлича ўрганилиб, халқ депутатлари Кармана туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритилади.

Электоратимиз вакилини мулоҳазага чорлаган масалалар юртимиз тараққиётига дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Бу, айниқса, биз депутатлар учун янада муҳим ва долзарб. Чунки бундай фикр-мулоҳазалар партия ташкилотлари, хусусан, улар ишончини қозонган депутатларни мудом фаолликка, ташаббускорликка ундаб туради.

Бахтиёр БОЗОРОВ,
халқ депутатлари
Навоий вилоят Кенгашидаги
ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари

Ушбу сонда:

Ёшлар камолотида кутубхоналарнинг ўрни

масаласи ЎЗМТДП фракцияси эътиборида



> 4-бет.

Истиқлол тарихининг қомусий манбаи

27 май — 1 июнь кунлари ҳудудий партия ташкилотларида Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини ўрганиш юзасидан ўқув-семинарлар ўтказилди

> 5-бет.

Огоҳлик — соғлом ҳаёт гарови

Яқиндагина эбола вирусидан азият чеккан дунё аҳолиси бугун яна бир хавфли ва юқумли касаллик — MERS-CoV коронавируси (Яқин Шарқ респиратор синдроми коронавируси)дан ташвишга тушмоқда



> 7-бет.

Қалб кўри, меҳр-муҳаббат маҳсули



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158





Давлат бюджети мақсадли ва самарали сарфланмоғи керак

ЎзМТДП фракцияси аъзолари унинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишди

Мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги ва турмуш сифатини янада юксалтириш давлат бюджетни маблағларидан мақсадли фойдаланиш, уларни тўғри йўналтиришга боғлиқ. Шундай экан, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самардорлигини таъминлашга мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларидан фойдаланувчи ташкилотларда молиявий иттизомга риоя этишни тўла таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Парламент кўйи палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг 2014 йилдаги ҳамда 2015 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунларига бағишланган фракция йиғилишида ана шу омилларга алоҳида эътибор қаратишди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отмуратов бошқарди.

Фракция йиғилишида кун тартибидagi масала юзасидан ахборот берган молия вазирининг сари Мубин Мирзаев мамлакатимизда барча жабҳада ислохотларнинг тизимли давом эттирилаётгани, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари ҳамда 2014 йилга иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари изчил амалга оширилаётгани боис ҳисобот даврида иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатларда ўсиши ва макроиқтисодий мувозанат таъминланганини таъкидлади. Хусусан, 2014 йил якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9, капитал қурилиш 10,9, чакана савдо айланмаси 14,3, пуллик хизматлар ҳажми 11,4 фоизга ўсишига эришилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Йиғилишда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилганлиги ҳамда иқтисодиётга солиқ юлгани камайтирилгани ҳолда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилганлиги, инфляция даражаси эса белгиланган прогност кўрсаткичларидан ошмаганини таъкидланди. Бу мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги таъминланаётганидан далолат беради. 2014 йил давомида иқтисодиётдаги таркибий ва сифат ўзгаришлар ҳамда ижобий тенденциялар нафақат унинг барқарор ва балансли ривожланишини таъминлагани, балки аҳоли бандлиги ва даромадларнинг ўсишига салмоқли ҳисса қўшганига эътибор қаратилди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари амалга ошириш доирасида 980 мингдан ортқ иш ўрни яратилгани эътироф этилди.

Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кампортни диверсификация қилиш, маҳсулотларни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол ўзлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда 500 дан зиёд янги корхоналар, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий салдо 180 миллион долларни ташкил қилди.

Шунингдек, депутатлар Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи чорагидаги ижросини муҳокама этар экан, Президентимиз томонидан жорий йилга белгилаб берилган устувор вазифаларнинг тизимли жорий этилиши ўтган биринчи чорада ҳам мамлакат иқтисодиётида муҳим ижобий ўзгаришларни таъминлаганини қайд этишди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,9, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,3, қурилиш ишлари ҳажми 18,9 фоизга ўсган. Умуман, жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджети даромадлари 7 триллион 638,7 миллиард сўмини, харажатлари эса 7 триллион 615,6 миллиард сўмини ташкил этди ҳамда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Ҳисобот даврида мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 6,8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 фоизга, шунингдек, экспорт ҳажми 13,9 фоизга ўсди.

Давлат бюджети маблағларининг жорий йилги тақсимотида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидландики, Давлат дастури доирасида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган зарур чора-тадбир-

лар изчил ва тизимли амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида ушбу тадбирларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан қарийб 593 миллиард сўм йўналтирилди.

Йиғилиш кун тартибидagi масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришди. Хусусан, депутатлар асосий эътиборни жадал ва мувозанатли иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишнинг энг муҳим мезонларидан саналган фаол, манзилли инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб қурувчиларни қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратдилар.

— Такдим этилган ахборотда қайд этилганидек, 2014 йилда марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан 1 триллион 616,5 миллиард сўм, 2015 йил биринчи чорагида эса 411,9 миллиард сўм маблағ ажратилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мирзохид Убайдуллаев. — Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уй-жой қурилиши, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида 2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди. Ўтган йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида умумий қиймати 4,2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ҳамда замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам фаол инвестиция сиёсати давом эттирилиб, ишлаб чиқариш саноатини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, илгор инфратузилма яратиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилгани эътибор молик.

— Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш сайловолди дастуриимизнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Сиддиқ Намозов. — Шу боис Давлат бюджети ижросининг 2014 йил ва 2015 йил биринчи чорагидаги якунларини таҳлил қилишда айнан ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қутулган ижобий натижаларни бермоқда, деган хулосага келди. 2014 йилда қўшилган қиймат солиғидан тушган тушумларнинг қарийб 75 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан иборат бўлди. Буларнинг барчаси партия дастурининг иқтисодиёт соҳасидаги истеъмол бозорини химоя қилиш, импорт ўрнини босувчи, ўзимизда ишлаб чиқарилган, арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishi каби вазифаларнинг амалга ошаётганидан дарак беради.

Шунингдек, депутатлар йиғилишда иштирок этаётган тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддиларига яқинда сайловчилар билан бўлган учрашувлар давомида кўтарилган қатор масалалар, жойларда одамларни ўйлантираётган айрим муаммолар, ҳудудлар ривожини билан боғлиқ жиҳатлар юзасидан мунозабат қилишди. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида юзага келаётган айрим масалалар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, жойлардаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ҳудудий ва тармоқ корхоналар фаолиятида ҳудудлар тараққиёти ва аҳоли бандлигини ҳам инobatта олган ҳолда иш олиб бориш каби масалаларда фракция аъзолари ўз таклиф-мулоҳазаларини баён қилишди.

Депутатлар муҳокамалар чоғида ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳужука-заркликарга йўл қўйлаётганлиги, базис тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидagi боқиманда қарздорликларнинг юзага келаётганлигини танқид қилишди. Шу билан бирга, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ айрим камчиликлар ва уларнинг олдини олиш бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Фракция аъзолари ҳукумат такдим этган ҳисоботни маъқуллаб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат бош молиявий ҳужжати ижроси билан боғлиқ амалий таклифларни билдиришди. Жумладан, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга мутасадди вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга қатъий риоя этиш, Бюджет кодекси талаблари бажарилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳамда уларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, минтақаларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базисини мустақамлаш борасида таклиф-мулоҳазалар илгари сурилди.

Йиғилиш якунида қўриб чиқилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мухтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

2 Сиёсат

ЎзМТДП хотин-қизлари

Оқила, фаол ва фидойи хотин-қизлар баҳси

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар ва вилоят босқичлари бўлиб ўтди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мамлакатимизда аёлни улуғлаш, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб ҳаёт шароитини яратиш, оғирини енгил қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Зеро, жамият ҳаётининг турли жабҳаларини раванқ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Бу жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. Жумладан, ЎзМТДП Марказий кенгаши “Аёллар қаноти” аъъанавий ўтказиб келаётган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика кўрик-танлови ҳам ташаббускор, иқтидорли хотин-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳудудий босқичлари оқори савияда, хотин-қизларнинг фаоллиги остида ўтди. Мухбирларимиз “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг ҳудудий босқичларидан хабар қилади.

Етти йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур кўрик- танловнинг **Навоий вилоят** босқичи ҳақиқий сиёсий билимдонлик баҳсига айланди. Тадбирда ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анора Бобомуродова ЎзМТДП “Аёллар қаноти”нинг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларига эътибор қаратди:

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари олдидан ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов хотин-қизларнинг сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириб, интеллектуал салоҳиятини намоеён этиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қўмаклашмоқда. Бу билан иштирокчиларнинг нафақат ҳуқуқий ва сиёсий билимлари бойимокда, балки уларнинг фаол фуқаролик позицияси ҳам юксалиб бораётган.

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 10 нафар хотин-қиз ўзаро баҳслашди. “Ўзини таништириш маҳорати”, “Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлик беллашуви”, “Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тушутириш” шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказган иштирокчиларнинг ҳар бири қиёқини томошабинлар илиқ қутиб олди. Якунда зарафшонлик ЎзМТДП фаоли Дилназов Носирова ғолиб чиқиб, танловнинг республика босқичига йўланма олди.

Ғолиб ва иштирокчилар ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан таъкидланди.

Дилназов НОСИРОВА,
кўрик-танлов ғолибаси:

— Ушбу кўрик-танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Партия фаоли сифатида айта оламани, мазкур тадбир хотин-қизлар орасидан қўллаб-қувватлаш эгаларини кашф этиш, уларда сиёсий етакчилик сифатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қувонарлики, тадбирнинг ҳар бир иштирокчиси ташаббускор, зукко ва сиёсий билимга эга эканлиги уларнинг қиёқчилирида яққол намоеён бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, танлов ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдираман. Боиси, бу йилги кўрик-танлов ташкилий жиҳатдан жуда пухта, қизқичли ва намунали ташкил этилган. Буни томошабинларнинг завқ-шавақи ва олқишларидан ҳам англадим. Ҳақиқий сиёсий билимдонлик баҳсига айланган тадбирда ғолиб бўлганимдан хурсандман.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аёлларнинг жамиятимиздаги макени тобора юксалтириш, уларнинг оруз-ўйларини, интилишларини ва қизқишларини ўрганиш, пировардида уларнинг куч-ғайрат, ақл-заковатини илму мақсадлар йўлида бирлаштиришини асосий вазифалардан бири, деб ҳисоблайди ва бу борада партия сайловолди Платформасидаги вазифалар белгиланган. “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг **Корақалпоғистон Республикаси** босқичи ҳам партиянинг хотин-қизлар йўналишидаги дастурий мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилди.

Мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, сиёсий етакчилик шакллантириш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танлов етти йилдирки, қорақалпоқ ёшлари эътиборини қозониб келаётган. Буни танловда иштирок этиш истагини билдирган хотин-қизлар сони йилдан-йилга ошаётганидан ҳам яққол сезиш мумкин.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, оила, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни кафолатланган, — деди кўрик-танловни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жамила Нибёзова. — Бундай имкониятлар самарасида аёллар мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётган. ЎзМТДПнинг йирик лойиҳаларидан бири ҳисобланган мазкур кўрик-танлов иштирокчилари ҳам жамият ҳаётига, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга бефарқ бўлмаган ёшлардир. Умид қиламизки, улар орасидан партияимизнинг



ҳақиқий етакчилари етишиб чиқади.

Кўрик-танловда республиканинг барча шаҳар ва туманларида ғолиб деб топилган 12 нафар иштирокчи қатнашди. Улар уч шарт давомида ўзининг саводхонлиги, топқирлиги, донолиги ва ташаббусдорлигини намоеён этди. Айниқса, улар ижросидаги халқимизнинг бой миллий-маънавий қадриятлари, урф-одат ва аъъаналарини ақс эттирган қиёқчилар ўзининг таъсирчанлиги, мавзунинг долзарблиги ва партия дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанглиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, нукуслик Сарбиназ Турешова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Сарбиназ ТУРЕШОВА,
кўрик-танлов ғолибаси:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг энг оммабоп лойиҳаларидан бири, маъно-мазмун ва қармови билан партия сафидagi хотин-қизларнинг истеъдоди, маҳорати, изланиш ва имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлашга қанот бўлаётган мазкур кўрик-танловда ғолиб бўлганимдан мамнунман. ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида назарда тутилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларидаги фаолиятини, ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустақамлаш мақсадида ташкил этилган кўрик-танлов ҳар йили янги истеъдод эгаларини кашф этмоқда. Танловнинг республика босқичида ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Мазкур кўрик-танловнинг **Андижон вилоят** босқичи Захриддин Мухаммад Бобур номидаги вилоят театри биносида ўтказилди. ЎзМТДПнинг мақсад-вазифалари мазмун-моҳияти ақс этган ширлар билан жиҳозланган театр сахнасида чиқиб келаётган танлов иштирокчиларининг дадил қадамларини кузатар эканиси, уларнинг ҳар бири илму изланишга иштиқманд, орузлари бир дунё, ўзига хос истеъдод эгалари эканини аниқлаш қийин эмас. Андижонда эл-юрт эътирофига сазовор, давлат ва жамият ишида фаол, айнан шу кўрик-танлов иштирокчиси ва ғолиби бўлганлар таллай. Улардан бири — Манзура Юнусова. У кўрик-танловнинг 2009 йилги республика босқичи ғолиби бўлган. Унинг айтишича, мазкур танловга тайёргарлик баҳона ижтимоий-сиёсий ҳаёт бошқарувида нисбатан қизқиқли ортган, бу борадаги билимларини мустақамлаш, тасаввурларини янада бойитган. Халқ ўзининг истеъдодли фарзандларини ҳамиша юк-

сакка кўтаради. Бугун Манзура Юнусова — Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоятдаги аёлларнинг ташаббускор раҳбари.

Танловнинг яна бир иштирокчиси — Зилола Тоштемирова ҳам партия фаоли сифатида “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг 2010 йилги республика босқичи совриндори. Зилолахан 2012 йилда партиянинг “Ёш сиёсий билимдонлар” лойиҳаси асосидаги танловда мутлақ ғолиб бўлган. 2014 йилда “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” сифатида мамлакат босқичига чиққан. Бугунги кунда у Олтинқўл иқтисодиёт коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари. Бундай аниқ мисолларни яна давом эттириш мумкин.

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг бу йилги туман босқичлари ўзига хос, жиддий баҳсларга бой бўлган иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан оқиб бўлди. Уларнинг барчаси аини қўнғача бир неча кўрик-танловларда иштирок этган, жамоат ишида фаол. Асакалик Феруза Тожибоева коллеж ўқитувчиси, туман партия ташкилотининг энг фаол кўйи бўғини етакчиси. Жалақудулқо Озода Давлатова тарих фани ўқитувчиси. Улуғнорқо Нилуфар Ботирова эса бошланғич таълим муаллимаси. Танловнинг яна бир иштирокчиси — Булоқбоши туманидаги 4-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Маммура Мелиевани бугун Андижондагина эмас, ҳатто мамлакатда кўп ҳамкасблари яхши таниди. Чунки у 2014 йилги “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби бўлган. ЎзМТДПнинг фаолларидан бўлган шахрихонлик Ойдин Маматкулова ҳам ундан қолшмайди: тазаквандо бўйича қора белбос соҳибаси.

Танлов — ўз номи билан танлов. Ўта зукко, ҳозиржавоб иштирокчигина ғолиб бўлади. Якуний натижага кўра, Булоқбоши туман вакили Маммура Мелиева ғолибликни қўлга киритди. У энди донолик ва ташаббускорлик бобида танловнинг республика босқичида ўз истеъдодини намоеён этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Гулчирай ЙЎЛЧИЕВА,
Балиқчи туманидаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси,
кўрик-танлов иштирокчиси:

— Кўрик-танловда иштирок этиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг дастурий ғоялари, депутатлар ваколатлари борасидаги билимларим янада мустақамланди. Мамлакатимиз ҳаётидаги икки муҳим сиёсий жараён — сайловларда фаол иштирок этганим, сайловолди тадбирларда олган маълумотларим, партияимиз сайловолди Платформасини пухта ўрганганим бугун менга асқотди. Гарчи бу сафар иккинчи ўрин билан қиёяланган бўлсам ҳам, кўрик-танлов боис сиёсий билимларим чархланди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда чинакам етакчи бўлиш сирларидан огоҳ бўлдим.

Мухаррам РАҲМОНОВА,
халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Илм ва изланиш истеъдодини чархлаб боришга бугунги танлов боис яна бир бор амин бўлдим. Бугун партияимиз ўз сафидa энг илгор фикрли замондошларимизни бирлаштиришга интиломоқда. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижросининг мукамал бўлишини таъминлайди. Партия дастурий мақсадлари аҳоли орасига чуқур кириб бораганина, партия макени мустақамланади, электоратининг унга бўлган ишончи ортади. Танлов иштирокчилари ҳудди шу зэгу вазифани амалга оширишга бел боғлаган.

Изох: “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида **Моҳичехра Ашурова, Хоразм вилоят босқичида Адолат Ёкубова, Сурхондарё вилояти бўйича Мафтуна Ўрлова, Бухоро вилоят босқичида Ситора Ймолова, Қашқадарёда Шохиста Ёрқаева, Жиззах вилоят босқичида Умрхон Ўллатова, Сирдарёда Нилуфар Ёрматова, Тошкент вилоят босқичида Дилноза Аҳмедова, Фарғона вилоят босқичида Зиёда Халилова, Наманган вилоят босқичида Нозима Абдуҷалилова** ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида йўланма олоди. Кўрик-танловнинг республика босқичи мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги шодиёналари арафасида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Шоҳида ДАМАНОВА, Ўралой ТУРДИЕВА, Илья ДИЛЬМАНОВ, Замира РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Бухоро вилояти:

ЎЗМТДП ташкилотлари ва партия гуруҳлари

ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш дастурий мақсад-вазифалар рўёбига хизмат қилади



Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Илғор ташаббуслар самараси

қуйи бўғиннинг аҳоли орасидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди

Бошланғич партия ташкилотлари қанчалик самарали ишласа, партия гуялари ва дастурий мақсад-вазифалари аҳоли орасига шунча чуқур кириб боради. Бу партия тарафдорлари, хайрихоҳлари сафи кенгайиши, гуяларининг кенг тарғиб қилиниши, сайловолди Платформасининг амалга оширилиши ва электорат манфаатларининг таъминланиши билан chambarchas bog'liq.

Қуйидан кўрсатилган ташаббус ўша ҳудуддаги аҳоли манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлгани боис натижаси ҳам юқори бўлади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча бошланғич ташкилотлари мана шу масъулиятни ҳис қилиб, иш олиб борса самарадорлик ҳозиргиданда юқори бўлиши шубҳасиз.

Бухоро вилоятида ҳам намунали иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотлари анча. Жойларда қуйи бўғинлар ташкил этаётган тadbирлар, олиб чиқаётган масалалар, аҳоли муносабатларининг ҳал этилиши вилоятда ЎЗМТДП нуфузини мустаҳкамлаб, аҳолининг партияга бўлган ишончини ошираётди. Бунга Шофиркон туманидаги "Денов" қишлоқ фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган қуйи бўғин фаолияти

ти яққол далил бўла олади.

50 дан зиёд маслаҳатдошларни бирлаштирган мазкур қуйи бўғин аъзоларининг аксарияти маҳалла фаоллари ва педагоглардир. Шу боис уларнинг ҳудудда ташкил этаётган тарғибот тadbирлари ва учрашувлари фуқаролар, айниқса, ёшлар фаоллиги остида ўтади. Ҳар бир тadbирдан сўнг бошланғич партия ташкилотлари аъзолари сафи кенгайиб, унинг тарғибот ишларида қатнашишни истовчилар сони ортмоқда. Ҳудуд аҳолиси эҳтиёжлари билан боғлиқ аниқ тақлифлар ҳам мана шу тadbирларда илгари сурилади.

Бошланғич партия ташкилотимиз аъзоларининг аксарияти зиёлилар бўлгани боис, ҳудуднинг маънавий-маданий ҳаётига доир эҳтиёжларини ўрганишга эътибор қаратмоқ-

дамиз, — дейди қуйи бўғин етакчиси Э.Ҳасанов. — Фарзандларимизни маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг пухта билим эгаллашлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида туманда Шофиркон тарихини акс эттирувчи музей ташкил этиш ташаббусини илгари сурдик. Бу тақлифни халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи туман кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритиб, қарор қабул қилинишига эришди.

Сўхбатдошимизнинг айтишича, сессия қарор қабул қилиб, бу борада тегишли ташкилот ва муассасаларга муайян вазифалар юклаганига икки йил бўлган. Аммо бу масала ҳали ҳаёмон ўз ечимини топгани йўқ. Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: юртимизда ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг маънавий олами ва маданий савиясини янада юксалтириш, ҳеч кимдан кам бўлмасдан камол топиши йўлида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда қуйи ташкилотлар ташаббуслари ва туман кенгаши сессияси қарорига эътиборсизлик қилаётган ёки партия гуруҳи илгари суратган масалаларни қўллаб-

қувватламаётган мутасадди-ларнинг маънавият масаласига бўй қадам бепарволигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, ушбу музей шофирконлик ёшларнинг энг сеvimли масканларидан бири бўлиши шубҳасиз эди.

— Мазкур бошланғич партия ташкилоти фаолиятини нафақат туманимиз, балки бутун вилоятда ҳам намуна сифатида кўрсатиш мумкин, — дейди ЎЗМТДП Шофиркон туман кенгаши етакчи мутахассиси С.Низова. — Қуйи бўғин фаоллари, айниқса, ёшлар масаласига жиддий эътибор билан ёндашиб, улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор амалий лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этмоқда. Тарих музейини ташкил этиш масаласи ҳамон ўз ечимини топмагани боис, қуйи бўғин аъзолари бу масалани яна бир бор партия гуруҳи орқали туман кенгаши сессияси кун тартибига киритишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, улар ёшлар бандлигини таъминлаш, Давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини бажаришда фаоллик кўрсатаётди. Жумладан, бошланғич партия ташкилотининг

Фаолият: факт ва рақамларда

- ✓ Бухоро вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 12 минг 46 аъзоси бор
- ✓ Партия аъзоларининг 66,7 фоизини хотин-қизлар, 79,9 фоизини ёшлар ташкил этади
- ✓ Вилоятда 393 бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда
- ✓ Бухорода ЎЗМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 3, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 90 нафар депутат сайланган
- ✓ Жорий йилнинг шу даврига қадар ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгашининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатларига 281 та яқин мурожаат келиб тушган, уларнинг 200 таси ижобий ҳал этилган.
- ✓ 48 депутатлик сўрови ижобий ҳал этилди, электорат манфаатлари таъминланди

амалий кўмаги билан 7 нафар коллеж битирувчиси "Бехрўз-Т" фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди, уч битирувчига ўз тadbиркорлигини йўлга қўйиш учун банкдан имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди, 5 нафар уй бекаси касаначилик билан шуғулланиш имконига эга бўлди. Шу боис ҳудуд аҳолиси ўзларини қизиқтириётган турли масалаларда бошланғич партия ташкилотига мурожаат қилаётди. Туман кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ва қуйи бўғин аъзолари эса мазкур мурожаатларни ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, қуйи бўғиннинг самарали фаолияти партиянинг аҳолига янада яқинлашиши, аҳолининг эса ЎЗМТДПга бўлган ишончини оширмоқда. Шу билан бирга, улар илгари сураётган ташаббуслар қанчалик ҳаётий ёхуд аҳоли манфаатларини ифодаламасин, ўз вақтида ечим топаётгани ҳам бор гап. Ташаббус натижа кўрсатсагина, аҳолининг партияга ишончи ортишини туман кенгаши, бошланғич партия ташкилоти фаоллари, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари доимо ёдда тутишлари ва бу йўлда собитқамон бўлишлари бугунги кун талабидир.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Интервью

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар жараёнида истеъдодли, юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш, уларнинг илмий-иҷодий изланишларини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётди.

Шижоатли, ташаббускор, тadbиркор ёшлар

партия таянчи ва суянчидир

Жойларда замонавий таълим муассасалари, ахборот-ресурс, ёшлар марказлари, болалар спорт иншоотлари барпо этилиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланаётди. Бунинг самарасида юртимиз ёшларининг эриш-шайтан муваффақиятлари, юксак интеллектуал салоҳияти ҳар бир ватандошимиз қалбини фахри-фотиҳорга тўлдирди. Бунинг билан, таълим, маданият ва спорт йўналишидаги мусобақалардан йигит-қизларимизнинг шоҳ-шоҳида медаллар билан қайтишгани жаҳон ҳамжамиятида мам-

лакатимизнинг ижобий имижини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида иқтидорли ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Партия ташкил этаётган акция ва лойиҳалар ана шу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда. Бугунги давра суҳбатида партия лойиҳаларида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ бухоролик ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Фарида ЁДГОРОВА,
ЎЗМТДП Когон туман кенгаши
"Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Юртимизда ёш авлодининг нафақат замонавий билим ва касб-хўнларни эгаллаши, балки миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёшларнинг ўз юртини севиш ва у билан фахрланиш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраш руҳида тарбия топишда гоёат муҳим аҳамият касб этади. Бунинг самарасида навқирон авлодда Ватанимиз тарихи ва маънавий-маданий меросимизга қизиқиш ортиб бормоқда ва бу уларга мамлакатимиз келажигига дахлдорлик туйғусининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Партиямиз сайловолди Платформасида ёшлар тарбиясидаги ана шу жиҳатларга миллий тараққиётимизнинг энг муҳим бўғини сифатида эътибор қаратилган. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Озод юртининг обод гўшаси", "Тарихдан садо бергучи обод гўшалар" шиори остидаги ёшлар акцияси навқирон авлодининг миллий ўзгичлиги, буюк тарихимиз ҳақидаги билимларини оширишга кўмаклашмоқда. Ушбу акциялар доирасида ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг 5 мингдан ортиқ аъзоси вилоятимиздаги "Ситораи Мохи-Хосса", "Намозгоҳ", "Чибирдон ота", "Чорикўлбой", "Хўжа Пешку", "Валидаи Хўжа Ориф" каби бир қатор тарихий-маданий ёдгориқлар, обидалар, муқаддас зияратгоҳ ва қадимжоларни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишди. Бу партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларда маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада қўлайитиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, уни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотиш, инсоний қадриятларни улуғлаш туйғуларини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.



Ситора ИМОМОВА,
"Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг
вилоят босқичи ғолибаси:

— Истиклол йилларида мамлакатимизни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу сый-ҳаракатларда хотин-қизлар иштирокчини кенгайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиянинг "Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг бу йилги босқичи ҳам фаол, оқила ва ташаббускор хотин-қизларнинггина ҳам айланмади. ЎЗМТДПнинг мазкур танлови ўзбек аёлининг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Мен ҳам жорий йилги танловнинг вилоят босқичида иштирок этиб, мамлакат босқичига йўллангани кўлга киритдим. Бу танлов мени партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти билан янада яқинроқ таништиришга имкон яратди.

Партия ўтказётган тadbирларнинг барчаси ёшларнинг билими, савияси, дунёқараши ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, ҳунармандчилик ва оилавий тadbиркорликка кенг жалб этиш "Аёллар қаноти" ўтказётган кўрик-танлов, давра суҳбати ва тadbирларнинг бош мавзусига айланган. Бундай тadbирлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий билим савияси ошишига, аҳоли орасида партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини янада кенг тарғиб этишга замин яратмоқда. "Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови бевосита ана шу мақсад рўёбига хизмат қилаётди.



Шаҳноза РЎЗИЕВА,
Бухоро иқтисодий ва банк коллежи
битирувчиси:

— Касб-хўн коллежлари битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ЎЗМТДПнинг "Банк кредитларининг оилавий тadbиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида ўтказиб келаётган семинарлари ёшларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу лойиҳа мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликнинг барча турини, оилавий тadbиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, партия электорати бўлган ҳунармандларни, коллеж битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиб келаётди. ЎЗМТДПнинг мазкур лойиҳаси мени ҳам қизиқтириб қўйди — партия кўмагида кредит олиш истаги пайдо бўлди. Утган йили тивувчилик фаолиятини бошлаш мақсадида партия лойиҳаси доирасида "Микрокредитбанк" Бухоро вилоят филиалидан 4,5 миллион сўм имтиёзли, йиллик 3 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит олдим. Натижада 3 та янги иш ўрни яратдим, 10 дан ортиқ шогирд тайёрлабман. Уларнинг ҳаммаси тенгдошларим, касб-хўн коллежи битирувчилари. Яратилган имконият ва имтиёزلардан оқилана фойдаланиш орқали салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Бугунги кунда тайёрлаган маҳсулотларимиз ўз харидорини топмоқда, вилоятдаги савдо раъсастларида сотилапти.

Мамлакатимизда ҳар йили минглаб иш ўринлари ташкил қилинади, бунда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ривожланиши муҳим ўрин тутди. Мустақил иш бошлашга кўмаклашган ЎЗМТДПдан миннатдорман. Партиянинг ёшлар, айниқса, касб-хўн коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратаётгани мамлакатимизда тadbиркорлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилаётди.

Ҳасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия аралашгач...

Ғиждувон туманидаги "Армечан" қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси узок вақтдан буйи ички йўлларнинг қонқарсиз аҳолида эканидан азият чекиб келади. Айниқса, ёгин-сочин кунларда бу машаққат икки ҳисса ошиши турган гап. Қишлоқ аҳолиси бу борада қўллаб-қувватлаш идораларга мурожаат қилди. Аммо вазият ўзгармади. Шундан сўнг, қишлоқ оқсоқоллари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши эшигини қочди.

Шикоят асосида партия вилоят кенгаши ўша ҳудуддан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган Насриддин Маҳмудовга депутатлик сўрови киритиш бўйича тавсия берди. Депутат Ғиждувон туман ҳокимлиги ва тумандаги йўл қурилиш идорасига сўров киритгач, масала ўз ечимини топди. "Армечан" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Арабхона, Чоғалон, Урганжи ва Тедон қишлоқларидан ўтган 3,5 километрлик йўл таъмирланиб, асфальт ётқизилди.

— Партиянинг биз кексалар мурожаатини беэътибор қолдирмаганидан бошимиз кўкка етди, — дейди Арабхона қишлоғида истиқомат қилувчи Мухиддин Эшонкулов. — Уларнинг сый-ҳаракати билан қишлоғимиз янада обод бўлди. Йўлнинг асфальт қилиниши, айниқса, биз кексалар учун айна мудоао. Шу пайтгача маҳалланинг тўй-маракаларига қатнаш ҳам

Фуқаро мурожаати

ЎЗМТДП эътиборидан четда эмас

катта қийинчилик туғдирарди. Энди эса қишлоғимиз кўрқига соя ташлаб турган бу нуқсон бартараф этилди. Таъкидлаш керак, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фуқаролардан тушаётган ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиб, унга ижобий ечим топишга ҳаракат қилишмоқда. Жорий йилнинг ўтган биринчи чораги давомида аҳолидан шу каби ўндан ортқ шикоят келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Масалан, февраль ойида вилоят партия ташкилотига Ғиждувон ва Шофиркон туманлари ҳудудида жойлашган чиқиндиҳона-ни кўчириш ишлари давом этиши, унинг очик сув ҳавзасига яқинлиги бўйича шикоят келиб тушган. Шундан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Саид Ҳамроев Бухоро вилоят табиати нани кўчириш ишлари давом этмоқда. Энди халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар вилоятнинг барча туман

ва шаҳарида жойлашган чиқиндиҳона-ларнинг аҳолини ўрганиб, вилоят кенгаши сессияси кун тартибига ташаббус-масала сифатида олиб чиқишни режалаштирган.

ЎЗМТДП Бухоро туман кенгашида ҳам фуқаролар мурожаатлари асосида қатор масалалар ўз ечимини топаётди. Масалан, аҳолидан партия туман кенгашига мактаблардаги ахборот-ресурс марказлари ишини янада яхшилаш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этишни қулайтириш тўғрисида мурожаат келиб тушган эди. Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Дилфуза Амонова аҳоли мурожаатларига асосан, тумандаги 1-ўрта умумтаълим мактабидagi ахборот-ресурс марказини интернет тармоғига улаш лозимлиги тўғрисида сўров билан туман ахборот-ресурс марказига чиқди. Депутат кўмаги билан ахборот-ресурс маркази "ZiyoNET" ахборот тармоғига уланди.


Мактаб кутубхонасининг "ZiyoNET" порталига улангани партия сайловолди дастурида белгиланган — халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш, уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш,

ёшларни ахборот-ресурс марказлари-га жалб этиш мақсадида хизмат қилади. Шунингдек, бу тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, халқимизнинг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғотишда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилоятида ЎЗМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари бутун эътиборини партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш, аҳолини ўйлантириётган масалаларни ҳал этиш, ўзларига ишонч билдирган сайловчилар ва электорат ишончини қозонишга ҳаракат қилишмоқда. Тўғри, мурожаатлар орасида партия-миз дастуридан бироз йироқ бўлган масалалар ҳам бор. Аммо партия ташкилотлари ва депутатлар электорат мурожаатини жавобсиз қолдирмай, уларни ҳам имкон даражасида ҳал этишга интиломоқда. Бу эса партиянинг сайловчилар ўртасида обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилаётди.

Маннон ОТАБОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

масаласи ЎзМТДП фракцияси эътиборида



Давра суҳбатига ёшлар маънавияти ва билим даражасини юксалтириш, янги ахборот-кутубхона ресурсларининг унги масалалари юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партиямиз сайловдида Платформасидан белгиланган унги каби масалаларни муҳокама этиш жараёнида фракциямиз фаолиятида янги нуночилик ташаббусларига асос бўладиган тақлиф-таъсирлар илгари сурилганини ёнориқдир. Аслида маъзур давра суҳбатидан қўзланган маъсад ҳам соҳада маъжуд масалаларни атрофлича ўрганиб таҳлил қилиш, пировардида Қонунчилик палатасидаги фаолиятимиз, хусусан, партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган сый-ҳаракатларни амалга оширишдан иборат.

Шу ўрinda айтиш жоизки, Ўзбекистонда "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларни китобга мухаббат руҳида тарбиялаш, кутубхоналарга жалб этиш, уларда маъбадачилик махсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рабабатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, бу йўналишда ижодий ташиқлотлар, нашриётлар ва таълиму маъсасаларни ўртасидagi алоқаларни янада да мустахкамлаш тарафдоридир. Фракцияъзолари ва партия фаоллари давра сузбати давомда шу каби партиявий мақсад вазилафалардан келиб чиққан ҳолда ўз фикрмухаззасларини беъан қилишди. Ёшларнинг маънавиятини, интеллектуал салохиятини янада юксалтиришга хизмат қилувчи ахборот-кутубхона ресурсларини ривожлантиришга, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид тақлифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда қўмита аъзоларининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенция ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат таҳлилкунлари бўйича ҳисоботи ҳамда шаҳар ҳокими Уринбосари Фарида Абдурахмонованинг бу борада ҳокимлик тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти тингланди. Таъкидланганидек, бугун Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган жами аҳолининг 31,61 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Шаҳардаги 287 умумтаълим мактаби,

— Ҳуқуқий демократик давлат, эркин
жамиятининг асосий шарти қонунлар-
лиги ва уларга барчанинг бирдек рисо-
лалди сессияда сузга чиққан халқ депутат-
за вилоти Кенгашидаги ҲЭМТД гуру-
ҳи Қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаро-
лигини таъминлаш масалалари доимий
комиссияси Баҳром Мамажонов, — Фаол-
асосий йўналишларида бири бўлган
шахсларнинг ахборотларини эшитиш
соҳадаги мавқуд ютуқ ва камчиликлари
лиги қилиш, келгусида амалга ошириш
бўлган вазифалари белгилан олишга
Энг муҳими, мансабдор шахсларнинг
доирасидаги вазифаларини баҳаршидан
қамасидаги олдидagi масъулияти янада

янги ташаббуслар учун асос

ийларда 2 162 та тарғибот тадбирлари ўтказган. Комиссия йиғилишларида 2 262 иш қўриб чиқилиб, шундан 757 нафар ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар воёга етмаганларни таъминлаш, уларга таълим-тарбия бериш мажбуриятларини бажариш мағаниги учун маъмурий жавобгарликка — 193 115 325 сўм жаримага тортилган. Воёга етмаганлар қаров-сизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун 132 тақдирнома киритилиб, бунинг натижа-

— Парламентнинг назорат функция-
и жойлардаги турли камчиликларни
артараф этиш, соҳалар тараққиётини

Шу ўрда айтиш кераки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси эш авлод камолоти йўлидаги барча эзгу савий-харакатни қўллаб-қувватлаб, мазкур жараёнда ўз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолияти билан фаол иштирок этмоқда. Хусусан, қуйи палатадаги ҲЭМДТД фракцияси ташаббуси билан "Болалар ўйинчоларининг хавфсизлиги" тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бундан мақсад — болалар ўйинчоларининг хавфсизлигига нисбатан қонунчилик талабларини белгилаш, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлдиршдан иборат. Партиямиз боланинг ҳаёти, жисмоний соғлиғи, маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказиши мумкин бўлган ўйинчоқларни ишлаб чиқаришга ва унинг муомаласига йўл қўймаслик тарафдоридир. Мазкур қонунчилик ташаббуси эса фарзандларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишга, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

М.КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” muxbiri

Ўтказилган назорат ишлари натижаларига кўра, қонунга зид ҳужжатлари бекор қилиш бўйича ваколатли идораларга тақдимномалар қиритилган, баъзи мансабдор шахслар огоҳлантирилиб, айримлари интизомий ва маъмурий жазого тортилган, етказилган зарарлар ихтиёрӣ равишда қопламинишга эришилган. Қолаверса, вилоят прокуратура идоралари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг таъминлаш, таълим муассасаларида бюджет маблағларининг мақсадли сарфлашни, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиғи соҳасига қаратилган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатлар ижроси бўйича ҳазор назорат тadbирларини мунтазам ўтказиб келмоқда.

инг ҳуқуқлари тикланди
сиритилиб, 16 ноқонуний ҳужжат
билан 64 касб-хунар коллежи ва
мамаётган ошхона ва буфетлар
сма этилди

Мансабдор шахснинг ушбу ҳисоботини депутатлар қўзғин муҳокама қилиб, сессия қарор қабул қилди. Унда аҳолини иқтисомий муҳофаза қилиш, ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўлла-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, соғлиқни сақлаш, банклар ва нақд пул муаммоси, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга ошириш соҳаларидаги қонуналар иҳросини таъминлаш масалалари алоҳида белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур қарорда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, прокуратура идоралари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, ҳуқуқий-профилактик ишларда партия гурӯҳи ва доимий қомиссини ҳамкорлигини таъминлаш вазифалари ўз ибодасини топди.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Мақсади аниқ, аҳамияти долзарб

лойиҳаларга давлат грантлари кўмакдош бўлаётир



Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йўналишида давлат ижтимоий буюртмаси қолиблари эълон қилинди. Тадбирда комиссия аъзолари 2014 йилдаги давлат субсидиялари маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича ўтказган мониторинг ва давлат гранти танловлари якунлари муҳокама этилди.

Йўналишни кириш сўзи билан очган Парламент комиссияси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг барча институтлари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ислохотлар жараёнидаги фаолиятини оширишга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида амалга оширилаётган де-

мократик ислохотлар, кенг қўлмали саяё-ҳаракатларда, айниқса, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун муҳим дастуриламал бўлаётир.

Парламент комиссияси бир неча йилдан буён мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)ни ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиб келмоқда. Шунингдек, Фонд маблағлари оқилона ва самарали тақсимланганини ташкил этиб, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг тақдирларини чуқур ўрганиш асосида минтақаларнинг муайян ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган истиқболли, ижтимоий ва умумаҳамиятга молик дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётир.

Тадбирда Парламент комиссияси аъзолари давлат ижтимоий буюртмасига тақдим этилган лойиҳаларни қўриб чиқди. Жумладан, Жамоат фонди директори Абдужалил Тўраевнинг давлат гранти асосидаги эълон қилинган 2 танлов якунлари бўйича ҳисоботи тингланди.

Унга кўра, давлат ижтимоий буюртмаси бўйича 15 лойиҳа қолиб бўлиб, уларга жами 2 миллиард сўм йўналтирилмоқда. Маърузачи мазкур грант танловларини ўтказиш билан боғлиқ эълон қилинган танловлар, уларнинг шартлари, муддатлари, мақсад ва вазифалари тўғрисида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг хабардорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлади. Давлат гранти асосидаги танловлар тўғрисида давлат ва нодавлат телеканаллар билан биргаликда махсус аудио-видео роликлар тайёрланиб, 2743 маротаба эфирга узатилган. Шунингдек, Парламент комиссияси аъзолари жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмалари ва ахборот-ресурс марказлари ҳамда вилоят, туман ННТлари, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирокида ўтказилган семинарларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни тайёрлаш бўйича услубий ёрдам кўрсатишди, ўтган йиллардаги грант танловлари қолиблари билан фикр алмашилди. Буларнинг натижасида ҳар иккала танлов учун жами 344 лойиҳа аризаларини Жамоат фонди рўйхатга олди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб этиш"га оид ўтказилган биринчи танловда 210 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз лойиҳалари билан иштирок этди, улардан 21 таси оммавий ахборот воситасидир. Танлов иштирокчилари ижтимоий аҳамиятга эга 239 лойиҳани тақдим этган бўлиб, улардан 21 таси оммавий ахборот воситаларига тегишли.

Парламент комиссияси лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 1,1 миллиард сўм ажратди. Жамоат фонди ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 73 лойиҳасини молиялаштиришни режалаштирмоқда. Бу ўтган йилга

нисбатан биринчи танлов иштирокчилари сони 18,6 фоизга, лойиҳалар сони 11,2 фоизга ошганидан далолатдир.

Иккинчи танлов йўналиши эса Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини мустақил ОАВда ёритишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур йўналишда 87 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз лойиҳалари билан иштирок этди. Шундан 14 таси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидир. Тақдим этилган 105 та ижтимоий аҳамиятли лойиҳадан 17 таси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига тегишли.

Парламент комиссияси йўналишида яна иккита давлат гранти асосидаги танловларни ташкил этиш масаласи қўриб чиқилди, уларнинг муддати, маблағлар ҳажми ва танловда иштирок этиш шартлари юзасидан келишиб олинди. Жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлгача эълон қилинмиши маълум қилинган мазкур танловларнинг устувор йўналишлари "Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" ҳамда "Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш"га қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ташкил этилаётган мазкур танловлар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш, ролини кучайтириш, фаолияти самардорлигини ошириш, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар, демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, дастур ва лойиҳалар ННТнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини, ижтимоий шерикчилигини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Тадбир якунида давлат гранти асосидаги танловларни муносиб тарзда ўтказиш бўйича тегишли ташкилий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Муҳтарам РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш
Жамоат фонди

"Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусида

давлат гранти бериш учун танлов эълон қилади

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат каби инсоний фазилатларни, она юртга, ўз халқига чексиз муҳаббат ва садоқатни шакллантириш.

2. Оилада, жамиятда ёши улуғларнинг ўрнини, қадрини, обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ўз ота-оналарига, жумладан, ҳар бир нуронийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда ғамхўрлик руҳида тарбиялаш.

3. Ёшларнинг туғилиб ўсган юрти, унинг маданияти ва меъморий обидалари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида амалга оширилган ишлар, жумладан, экскурсиялар уюштириш, буклетлар чоп этиш, стендлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

4. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамияти қурилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

5. Ёш авлодининг фан ва санъатга бўлган иштиёқини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика ҳамда халқаро танловларда, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини таъминлаб, интеллектуал салоҳиятларини намойиш этишида рағбатлантириш.

6. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада кенгайтириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида яшовчи ёшларни соғлом турмуш тарзи бўлган спортга жалб этиш учун шароитлар яратиш.

7. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ичкиликбозлик, тўғривандлик каби иллатлардан, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсирларидан асраш.

8. Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва ажралишларнинг, оиладаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича уларнинг билимларини юксалтириш, ёшларда соғлом, мустаҳкам оилани барпо этишга бўлган интилишини шакллантириш.

9. Соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, тиббий-маслаҳат тадбирларини ташкил этиш, ёш оилаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

10. Азалий миллий кадриятларни сақлаш ва янада мустаҳкамлашда, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш.

11. Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларида оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш.

12. Жисмоний имконияти кенгланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни спортнинг турли машғулотларига, фан ва санъатга жалб қилишнинг амалий чораларини қўриш.

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шоҳ қўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг

бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш

Жамоат фонди

"Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш" мавзусида

давлат гранти бериш учун танлов эълон қилади

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳоли фаоллигини ошириш.

2. "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳамда мазкур қонун меъёrlарининг жойларда амалий бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

3. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида ННТ фаолиятини ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан экологик назоратни амалга ошириш амалиёти-ни ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.

4. Кенг ахборот-тушунириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни шакллантириш.

6. Худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш орқали маҳаллаларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш соҳасида аҳолининг жамоавий фаоллигини ошириш.

7. Кўчалар ва турар-жой маззеларининг ташқи қиёфасини, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича вазифаларни ечишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамияти ва ўрнини ошириш.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоат экологик назоратини амалга оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш.

9. Экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисоби-га табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва қайта тикланувчи экологик тоза мўҳобил энергия манбаларини таъбиқ этиш.

10. Атроф-муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш, маийий чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологияларни жорий қилиш;

11. Экологик ҳалокат — Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик номақбул худудларида экологик ҳолатни қайта тиклаш ва соғломлаштириш.

12. Экологик таълимни ривожлантиришга, экологик билимларни тарғиб қилишга, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб этиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, "Бунёдкор" шоҳ қўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди" номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Реклама ўрнида

“Микрокредитбанк” сармоялари

корхона муваффақиятини таъминлади



Мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити ривожлантирилиб, Саидов кенг имконият яратиш, солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида юртимизнинг ҳар бир гўшасида ишлаб чиқариш корхоналари, аҳолига маийий хизмат кўрсатиш уйлари ташкил этилмоқда. Бу эса жойларда янги иш ўринлари вужудга келишига ва аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилаётир.

Юртимиз ишбилармонлари ўртасида ўтказилаётган танлов ва кўргазмаларда "Микрокредитбанк" АТБ миқозлари ҳам муносиб иштирок этишмоқда.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танловда мато тўқич ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланувчи Тошкент вилоятидаги "Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида қолиб бўлди. Бу корхонада меҳнат қилаётган жамоа учун ҳақиқий байрамга айланди.

— Тадбиркорларнинг асосий танловида қолиб бўлиш катта бахт, — дейди "Takro Osiyo"

масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолиддин Ғиёсов. — "Ташаббус" кўрик-танлови бизни рағбатлантирибгина қолмай, балки қилаётган ишимизнинг муносиб баҳоланишида муҳим аҳамият касб этиб, келгуси режаларни тузишга ёрдам беради. Биз, тадбиркорларга ўз салоҳиятимизни рўёбга чиқариш борасида яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Таъкидлаш керак, мамлакатимиз тадбиркорлари ўртасида мазкур кўрик-танловнинг нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган аънавий "Ташаббус" кўрик-танлови иштирокчилари сони ошганидан ҳам қўриш мумкин. Жорий йилда ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудда ўтказилган кўрик-танловда 6,2 мингдан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида қолиб бўлган 41 иштирокчи мамлакат босқичига йўллама олди. Улар хизмат кўрсатиш, ҳўжалик фаолияти ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатиб, мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Хунарманд" уюшмаси, тегишли вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Ташаббус" кўрик-танлови юртимизда бизнес муҳитини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини



ошириш, тадбиркорларнинг касб охиорати ва билим даражасини юксалтирмоқда.

— Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринларини ташкил этишни мақсад қилганмиз, — дейди К.Ғиёсов. — Асосан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспортга йўналтиришни режалаштиряпмиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, замонавий технологияларни сотиб олишга эътибор қаратишимиз зарур. Бунда биз "Микрокредитбанк"нинг молиявий қўмагига таянамиз. Банкнинг тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай кредитлари фаолиятимизни янада ривожлантиришга асқотади.

"Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти илгари ҳам "Микрокредитбанк" сармоясидан

унумли фойдаланган. Банк сармояси эвазига корхонада 140 та янги иш ўрни ташкил этилди. У ерда ҳозирда 100 нафарга яқин касб-ҳунар коллежи битирувчилари иш билан банд. Уларнинг меҳнати маҳсули бўлган болалар кийим-кечакалари ва трикотаж матолар Франция, Россия, Қозоғистон сингари ўнга яқин давлатга экспорт қилинаётир. Корхонанинг бу борада олиб бораётган ишлари корхона иқтисодиётини мустаҳкамлаш билан бирга мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.

"Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Ташаббус" кўрик-танловининг республика босқичида "Takro Osiyo"нинг маҳсулотлари нафақат ҳакамлар ҳайъати ва иштирокчилар, балки танловга таширф буюрган қўллаб-қўрдошларимиз ва хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, экспозицияда турли товар ва буюмлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, маийий техника, кийим-кечак, мебель, миллий заргарлик безаклари, гилам ва бошқа қўллаб-қўрдошлар саховатли заминимиз, қўли гул, меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва қудратини ёрқин намойиш этди.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танлови қолибларига Президентимиз соврини — "Spark" автомобиллари калити, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига пул мукофотлари, махсус номинациялар совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хизматлар лицензияланган

Бизнинг шарҳ

Огоҳлик — соғлом ҳаёт гарови

Яқиндагина эбола вирусидан азият чеккан дунё аҳолиси бугун яна бир хавфли ва юқумли касаллик — MERS-CoV коронавирус (Яқин Шарқ респиратор синдроми коронавирусидан ташвишга тушмоқда. Ҳали-ҳамон касалликка қарши ишончли даво чораси топилмаётгани эса янада хавотирлидир. Ҳўш, MERS коронавирус қандай касаллик? У нимаси билан хавфли? Бунинг давоси борми?



2002 йилда Хитойнинг Гуандун вилоятида коронавируслар оиласига мансуб оғир ўткир респиратор синдроми — SARS вируси тарқалган. Ушанда дунё бўйича ана шу хасталикка чалинган 8 мингга яқин бемордан 774 нафари ҳаётдан кўз юмган. MERS коронавирусини тадқиқ этиш раҳбари Кристиан Дростеннинг фикрича, Яқин Шарқ респиратор синдроми коронавирусини нафас олиш йўлларида тезлик билан кўпайиши, нафас йўллари ҳужайраларига жиддий зарар етказиши билан SARS вирусига қараганда хавфлироқ.

“Corona” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “ҳалқа”, “тож” деган маънони англатади. Вируснинг микроскопик кўриниши ҳам қуёш тутилганда ҳосил бўладиган “шўълали ҳалқа”га ўхшайди. Вируснинг қандай келиб чиққани, қандай тарқалгани ҳақида ҳали-ҳамон яқин ҳуло-са йўқ. Олимлар коронавируснинг табиий манбаи қўришаётганлар, оралик манбаи эса туялар деган тахминни илгари сурмоқда. 2012 йил оғир боришган тадқиқотлар натижасида MERS коронавирусининг келиб чиқиши Миср қабристон қўришаётганлари (Taphozous Perforatus) билан бевосита алоқадор деган фикр илгари сурилди. Боиси, қўришаётган олинган вирус намуналари одамники билан деярли бир хил экани аниқланди. Яна бир тахминга кўра, вируснинг бошланғич манбаи бир ўрқачли туяларга бориб тақалади. Чунки 2013 йилги тадқиқотлар натижасида баъзи араб мамлакатларидаги туяларнинг аксариятида мазкур вируснинг мавжудлиги аниқланган. Шу боис бу касаллик — “туя гриппи” деб ҳам юритилади. MERS коронавирус илк бор 2012

йилнинг сентябрида Саудия Арабистони ҳудудидан аниқланган. Кейинчалик ундан захарлиниш ҳолатлари Яқин Шарқ ва Африка минтақаси мамлакатларида ҳам қайд этилди. Офатнинг олдини олиш мақсадида Саудия Арабистонида аҳоли туя гўшти ва сутини истеъмол қилишдан сақланиши огоҳлантирилди.

2014 йил ўрталарида Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирикларида ушбу касаллик билан боғлиқ 44 ҳолат аниқланган. Саудия Арабистонида мазкур вирус илк бор инсон ўлимига сабаб бўлди. Йил охирига қадар, бу ҳолат Филиппинда ҳам қайд этилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё бўйича 1 минг 218 киши мазкур касалликка чалинган. Уларнинг 449 нафари ҳаётдан кўз юмган. Бу эса ўтган йилнинг энг хавфли хасталиги — эбола билан деярли бир хил кўрсаткич.

Вирусга чалинганлар орасида Яқин Шарқ мамлакатлари — Йордания, Қатар, Бирлашган Араб Амириклари, Европанинг Германия, Буюк Британия, Франция ҳамда Африканинг Тунис давлати фуқаролари ҳам бор. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти-нинг қайд этишича, Европада кузатилаётган коронавирусга чалиниш билан боғлиқ ҳолатлар фуқароларнинг Яқин Шарқ мамлакатларига сафарлари билан бевосита боғлиқ. Масалан, франциялик фуқаро 23 апрелда Дубайдан қайтиб келиши биланоқ шифохонага ётқизилган. 7 майга келиб унинг MERS коронавирусига чалинган маълум бўлди. Орадан бир неча кун ўтгач, ўша бемор билан бир палатада ётган фуқаро ҳам мазкур вирус аниқланди.

Яқинда Женева шаҳрида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ас-самблеясининг 66-сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилот раиси Маргарет Чен MERS-CoV коронавирус инсоният учун глобал таҳдидга айланаётганини таъкидлади: “Бу огоҳлантириш кўнги-роғи ва биз унга жавоб қайтаришимиз лозим. Бу вирус ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Ҳар қандай янги касаллик уни обдон ўрганишимизга нисбатан тез суратда тарқалади. Шунинг учун уни баъзан назорат қилолмай қолиш ҳеч гап эмас”.


Сўнгги маълумотларга қараганда, Жаҳоний Корейда жами 150 фуқаро MERS коронавирусига чалинган. 17 нафар бемор вирус туфайли ҳаётдан кўз юмган. Мазкур касаллик илк бор Яқин Шарқдан қайтган мамлакат фуқаросида аниқланган эди. Юзага келаётган бу ҳолат ҳукуматни жиддий чора-тадбирлар кўришга ундамоқда. Ўтган ҳафта мамлакат ҳукумати коро-навирусга қарши кураш гуруҳи тузилганини маълум қилди. Касалликка чалинган фуқаролар мамлакатнинг 29 шифохонаси-га жойлаштирилди. 2,2 минг таълим муас-сасаси вақтинча ёпиб қўйилди.

MERS коронавирусининг хавфли жиҳа-ти — касаллик ҳаво томчиси орқали юқади, вируслар нафас олиш тўқималари ҳужай-раларини шикастлаб, жуда тез кўпаяди. Асосий муаммо шундаки, инсоннинг табиий ҳимоя воситаси — иммун тизими улар ол-дида ожиз қолмоқда. Вирусологларнинг таъкидлашича, коронавирус янги ҳужай-рага кирса, ўз генларини мунтазам ра-вишда ўзгартириб туради. Хасталикка ча-линган беморларда касаллик, аввалига, оддий шамоллаш кўринишида ўтади. Тах-минан бир ҳафтадан сўнг у ўткир буйрак етишмовчилиги ва пневмония кўринишига келади. Организм ҳолсизланиб, аксарият ҳолларда ўлимга олиб келади. У бошқа “атипик пневмония” касалликлари-га нис-батан жуда тез юқади.

MERS коронавирусига чалинган инсон-ларнинг касаллик тарихи ўрганилганида шу нарса маълум бўлдики, бундай беморлар-да дастлаб иситма, йўтал, нафас йўлининг бўғилиши каби аломатлар намоён бўлади. Баъзи беморларда эса ич кетиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш каби ҳолатлар кузати-лади. Касалликка чалинган аксарият бе-морларда эса пневмония ҳамда ўткир буй-рак етишмовчилиги билан боғлиқ оғир ҳолатлар юзгага келган. Энг ёмони, ҳар 10 беморнинг 3-4 нафари вафот этган.

Ҳазирга ушбу касалликка қарши бирор-та самарали дори воситаси ишлаб чиқил-гани йўқ. MERSни даволашда асосий вази-фа организмда вирусларнинг кўпайишига йўл қўймасликдир. Бунинг учун а26-интер-ферон ва рибавирин препаратлари тав-сия қилинмоқда. Унинг аломатларига қарши курашиш учун эса зирк (барбарис) ва мо-моқаймоқ илдизидан тайёрланган махсус дамламалар ичиш тавсия қилинган. Улар таркибидagi бербедин (алкалоид) ва лу-пел (терпеноид) DPP-4 ингибитори вази-фасини бахариши мумкин. Энг муҳим чора эса касалликнинг мамлакатга кириб кели-ши олдини олишдир.

Мутахассислар касалликка чалинмаган фуқаролар, жумладан, унинг ўчоқлари аниқ-



ланган давлатларда истиқомат қилаётган фуқароларга эҳтиёткор бўлиш, соғлом тур-муш тарзига риоя этиш, нотаниш кишилар билан мулоқотни имкон қадар камайти-риш, профилактика мақсадида иммун ти-зимини кучайтирувчи махсулотлар истеъ-мол қилиш ҳамда мунтазам спорт билан шуғулланишни тавсия қилишмоқда.

Мамлакатимизда грипп ва бошқа ўткир респиратор вирусли инфекциялар, хусу-сан, коронавируслар (оғир ўткир респира-тор синдроми — SARS, Яқин Шарқ респи-ратор синдроми — MERS-CoV) ни эпидемио-логик назорат қилиш, унга қарши изчил чоралар кўриш мақсадида ўтган йили Ўзбе-кистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-зирлигининг “Ўткир респиратор инфекця-ларнинг эпидемиологик назоратини тако-миллаштириш тўғрисида” ги буйруғи эълон қилинган. Қолаверса, Ўзбекистонда Яқин Шарқ респиратор синдроми коронавирус олиб келиниши ва тарқалишига йўл қўймас-лик бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўри-лмоқда. Бунинг учун барча халқаро аэропор-тда мамлакатга келаётган йўловчилар за-монавий қўрилмалар ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилади. Айниқса, Яқин Шарқ ва Жаҳоний Корей Республикасида келаёт-ган авиайўловчилар алоҳида эътибор би-лан текширилмоқда. Ўзбекистон Жаҳон со-ғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Корей Респу-бликаси билан ҳаво қатновлари ёки махсу-лотлар алмашинувини тўтатгани йўқ.

Мамлакатимизда, шунингдек, ўткир рес-пиратор инфекциялари ва зотилжам ҳолат-лари устидан эпидемиологик назорат олиб боришмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги-дан олинган маълумотларга кўра, инфекци-он шифохоналарда коронавирусга чалин-ган деб гумон қилинганларни ётқизиш ва даволаш учун барча шароит муҳайё қилин-ган. Бундан ташқари, Яқин Шарқ минтақа-сига учиб кетаётган шахслар учун шахсий хавфсизлик чораларига риоя қилиш бўйича эслатмалар ишлатиб чиқилган. Бундай муам-молар келиб чиқишининг олдини олиш ҳар бир инсондан тиббий маданият ва ўз сало-матлигига эътиборли бўлишни талаб этади. Бунинг учун соғлом турмуш тарзига, санита-рия-гигиена қоидаларига тўла риоя этиш лозим. Бундан қўзланган мақсад юқумли касалликлар бўйича барқарорлиқни сақлаш, инсон саломатлигини асрашдир.

Албатта, бу борада амалга оширилаёт-ган ишларнинг барчаси аҳоли саломатли-гини муҳофаза қилиш, мамлакатимизга бу каби хавфли вируслар ва турли ўткир рес-пиратор инфекциялар кириб келишининг олдини олишга қаратилгани билан аҳами-ятлидир. Зеро, эл саломатлигини асраш-дан улўф ва муҳимроқ вазифа йўқ.

Халқаро ҳаёт 7

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Кутилмаган сув тошқини

Грузия пойтахти Тбилисида ёққан кучли жала сув тошқинини келтириб чиқарди.

Оқибатда шаҳарда- ги юзлаб турар жой-лар, ер ости йўллари, майдонлар сув ости-да қолди. Автомобиль йўллари жиддий зар-рар кўрган. 12 киши ҳалок бўлгани, 24 киши бедарак йўқол-гани хабар қилинмоқда. Тахминан 22 минг аҳоли электр қувватидан маҳрум бўлган. Табиий офат давлат бюджети-га 23 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар етказди. Сув тошқини оқибатларини бартараф этиш учун қидирув-кутқарув гуруҳи тузилди.

Веро дарёсининг қирғоқдан тошиши оқибатида шаҳар ҳайвонот боғи ҳудудининг ярми сув остида қолиб, жони-ворларнинг айримлари ҳалок бўлган, бир қисми, жумла-дан, ёввойи ҳайвонлар боғ ҳудудини тарк этган. Ҳукумат вакиллари шаҳар аҳолисида кўчага илжи борица чиқ-маслиқни тавсия қилди. Айни пайтда жониворларнинг бир қисmini ҳайвонот боғига қайтаришга эришилди. Тбили-сида бундай сув тошқини сўнгги марта салкам ярим аср илгари — 1966 йилда кузатилган.

Ёнгин бартараф этилди

Франциянинг Нант шаҳрида XIX асрга оид Сен-Донатъен ибодатхонасида ёнгин содир бўлди.

Бунга ибодатхонада олиб боришган қури-лиш-таъмирлаш ишла-ри сабаб бўлгани ай-тилоқда. Айни пайтда ўт ўчирувчилар ёнги-ни бартараф этишга муваффақ бўлишган. Бинога анча зарар етса-да, жароҳатлан-ганлар йўқ.

Нант шаҳри Франциянинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда муқаддас Петр ва Павел ибодатхонаси ҳам жойлашган.

Меъёрий уйқу — саломатлик омили

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тўйиб ухламаслик инсон организмга салбий таъсир кўрсатишини исботлади.

Олимларнинг фик-рича, меъёрида ухла-маслик кашаллик ва бошқа салбий одат-лар сингари инсулт хавфини оширади, юрак хасталиклари-га сабаб бўлади. Тиб-биёт ходимлари бу-нинг учун 25-64 ёш оралиғидаги инсулт, диабет ва юрак хуружидан азият чекмайдиган кўнглил-лар маълумотларини синчилаб ўрганишди. 14 йилдан сўнг уларнинг саломатлиги текшириб кўрилди. Маълум бўлишича, тадқиқотда иштирок этганлар орасида юрак хасталигига чалинганларнинг 63 фоизи тўйиб ухламас-ликдан азият чеккан. Экспертлар уларнинг аксариятида депрессияга мойиллик ортганини аниқлади.

Олимлар тўйиб ухламаслик инсон организмга салбий таъсир кўрсатиб, юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлишини, шу боис катта ёшдаги одамлар бир суткада ўртача 7 соат ухлаши лозимлигини тавсия этишмоқда.

Эълон

Хурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар! «Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибда ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига тақлиф этади!

“КЎПРИКОЗ” ишлаб чиқариш ширкатининг 2015 йил 11 июндаги №46-сонли буюртма хатига асосан аукцион савдоларга қуйидаги автотранспорт восита-лари чиқарилган.

1. 1984 йилда и/ч, давлат рақами 80/459 ЖАА бўлган «ЗИЛ ММЗ 45021» русумли автотранспорт воситаси. Б/б — 4 620 000 сўм.

2. 1983 йилда и/ч, давлат рақами 80/461 ЖАА бўлган «МАЗ 5334» русумли автотран. Б/б — 6 300 000 сўм.

3. 1983 йилда и/ч «Т-130» русумли бульдозер. Б/б — 8 000 000 сўм.

4. 1985 йилда и/ч бўлган «КДЭ-163» русумли темир йўл минорали кран. Б/б — 9 750 000 сўм.

5. 1988 йилда и/ч давлат рақами БГ 27-81 бўлган «Т-28» русумли қишлоқ хўжалик техникаси. Б/б-3 750 000 сўм.

6. 1986 йилда и/ч «2ПТС-4» русумли қишлоқ хўжалик техникаси. Б/б-1 280 000 сўм.

7. 1979 йилда и/ч МСК-3-5/20 русумли кран (груз-под 5т). Б/б — 9 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 17 июль кунин соат 11:00 да савдо ташкилотчисининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 17 июл-даги аукцион савдосида сотилимаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2015 йилнинг 24 ва 31 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар-дан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказили-шидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар сав-до ташкилотчиси билан тузилмайдиган келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини “Global Savdo Fayz Buxaga” МЧЖнинг ДТ Халк банк Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт:

х/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226

Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга муро-жаат қилишингиз мумкин.

«Global Savdo Fayz Buxaga» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.

Рангин дунё

Вашингтон шаҳрида жойлашган Конгресс кутуб-хонаси нафақат океан ортидаги, балки дунёдаги энг йирик зиё масканлардан биридир. Мазкур кутубхона ҳукумат органлари, илмий муассасалар, хусусий фирма-лар, мактаблар ҳамда оддий фуқаролар учун беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Кутубхонанинг ташкил топиши 1800 йилда АҚШ президенти Жон Адамснинг мамлакат пойтахтини Филаделфиядан Вашингтон шаҳ-рига кўчириш тўғрисидаги қонунга имзо чеккани билан боғлиқ. Боис, қонун Конгресс учун ноёб ки-тоблар харид қилиш ҳамда уларни сақлаш мақсадида 5 минг доллар маблағ ажратишини ҳам назарда тутганди. Кутубхона дастлаб Капитолий биноси ичида фаолият юрита бошлаган, унинг хизматла-ридан фақат АҚШ президенти, вице-президенти, Сенат ҳамда Вакиллик палатаси аъзолари фой-даланишига рухсат этилган. Шу боис у Конгресс кутубхонаси деб номланган.

Дастлаб кутубхонада 740 та ки-тоб ҳамда Американинг Лондон-дан харид қилинган учта геогра-фик харитаси сақланган. 1801 йил-дан президентлик лавозимига ки-ришган Томас Жефферсон кутуб-хона фондиди бойитишга муносиб ҳисса қўшади. Орадан кўп ўтмай америкаликлар билан англиялик-лар ўртасида уруш келиб чиқади. Инглизлар 1814 йилнинг августид-да Вашингтон шаҳрига ўт қўяди. Оқибатда ноёб китоблар сақлан-ган кутубхона жойлашган Капито-лий биноси ёниб кетади. Шаҳар инглиз қўшинларидан озод этил-ганидан сўнг мамлакатнинг ўша

Эзгуликнинг сўнмас маёғи

ёхуд ёнгинлардан омон қолган зиё маскани



вақтдаги президенти Жеймс Мэ-дисон кутубхонани қайта тиклаш-га буйруқ беради. Мамлакатнинг собиқ президенти Томас Жеффе-рсон эса Конгрессга ўзининг умри бўйи йиққан, турли тилларда ёзил-ган 6 минг 487 нусхадаги ноёб китобларини харид қилиш тақли-фи билан чиқади. Тақлиф инобат-га олиниб, китоблар 23 минг 940 долларга харид қилинади. Конг-ресс кутубхонасининг “Жеффе-рсон кутубхонаси” деб номланиши-га ҳам ана шу воқеа сабаб бўлган.

Кутубхонада 1851 йилда яна бир йирик ёнгин содир бўлади. Оқибат-да Томас Жефферсондан харид

қилинган китобларнинг аксарияти — 55 минглик китоб фонднинг учдан икки қисми ёниб кетади. Орадан бир йил ўтиб кутубхонани тиклаш учун давлат газнасидан 168,7 минг доллар ажратилади. Бундан ташқари 1870 йилда АҚШ ҳукумати мамлакат ҳудудидан янги нашр этилган ҳар бир китобни Конг-ресс кутубхонасига етказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Мазкур қарор ҳозирги кунга қадар амал қилиб келмоқда.

Кутубхонанинг биринчи биноси 1897 йилда қурилади. Бинога То-мас Жефферсон номи берилган. Мазкур бино шаҳарнинг диққатга

сазовор иншооти, ўша давр архи-тектурасининг энг яхши намуна-ларидан биридир. 1899-1939 йил-ларда кутубхонага раҳбарлик қил-ган Герберт Патнем китобларни қулай саралаш тизимини жорий қилди. Унинг раҳбарлиги даврида кутубхона учун яна бир бино қурил-ди. Бугунги кунда мазкур бино кутубхона асосчиси шарафига Жон Адамс деб номланган.

1980 йилда кутубхонанинг яна бир филиали қурилади. Унга ку-тубхонани қайта тиклашга муно-сиб ҳисса қўшган собиқ прези-дент Жеймс Мэдисон номи берил-ган. Мазкур бинода ҳозир дунё-

Матбуот анжумани

Яна янграр шарқ таронаси

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида ўтказилган X “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг олти мишдан зиёд давлатидан вакиллар қатнашиш истагини билдирган. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида мазкур нуфузли форумга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, дўстлик ва тинчлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Унинг замирида умуминсоний кадриятлар, юксак маънавият ва миллий анъаналар мужассам экани фестивал аудиториясининг кенгайиши ва нуфузи ошиб боришида муҳим омил бўлаётди.

Ўтган давр мобайнида “Шарқ тароналари” фестивали дунёнинг барча қитъасини қамраб олган йирик мусикий анжуманга айланди. Самарқандда нафақат шарқ, балки дунё тароналари янграй бошлади.

Илк бор — 1997 йилда ўтказилган форумда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, 2013 йилда 53 мамлакатдан келган санъат усталари ўз иқтидорларини намойиш этди. Бугунга қадар 90 дан ортиқ давлат вакиллари мазкур йирик фестивалда иштирок этгани ҳам фестивалнинг нуфузи юксалиб бораётганидан далолатдир.

— “Шарқ тароналари”нинг дунё миқёсидаги нуфузи тобора ошиб бормоқда, — дейди халқаро мусиқа фестивали хайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева. — Бу эса, ўз навбатида, хайъат аъзоларининг масъулиятини янада оширади. Иштирокчиларнинг ҳар бир чикиши холислик ва адолат мезонлари асосида баҳоланади. Бу йилги фестивалга тўққиз давлатдан хайъат аъзолари келиши кутилмоқда. Бу эса турли миллатларнинг ўзига хос ижро услубларини тўғри баҳолаш имконини беради.

Анжуманда фестивалга тайёргарлик ишлари, унинг ташкилий жиҳатлари, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Қайд этилганидек, меҳмонлар ва томошабинларга қулайлик яратиш ва концерт дастурларини юқори савияда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Фестиваль иштирокчиларини “Афросиёб” тезкор поездида Самарқандга етказиш борасида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб саёҳат, таълим муассасалари ва тарихий обидалар билан танишув, миллий хунармандлик, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари, ижодий учрашувлар ва маҳорат машғулоти ўтказиш режалаштирилган.

Фестиваль доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги” мавзусида илмий конференция ўтказилади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атофлича жавоб қайтарилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Миллий хунармандчилик

Қалб кўри, меҳр-муҳаббат маҳсули

Тошкентда “Мустақил юрт хунармандлари” деб номланган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларининг анъанавий VIII кўргазмаси бўлиб ўтди



“Уларни ўзингга яқин тут, зеро, уларнинг жамиятга фойдаси кўп тегади. Темирчи қосиб, ўймакор, дурадгор, бўёқчи, расом, ўқ-ёй ясовчилар бу дунёдаги гўзалликларни ихтиро қиладиган кишилардир, улардан инсон ақлини хайратга соладиган ишлар вужудга келади.” Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарига шундай ўғит беради.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида халқ амалий санъатининг барча йўналишларини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган иход мактабларининг анъаналарини ўрганиш ва бойитиш борасида изчил ишлар амалга оширилади. Қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, моҳир усталар яратган услуб ва мактабларини янада такомиллаштиришда давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги “Халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилигини ривожлантириш ва уни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони муҳим дастуриламал бўлаётди.

Республика “Хунарманд” уюшмасининг жойлардаги 13 худудий бошқарма ва 150 бўлими соҳани кенг ривожлантириш, қўли гул, моҳир хунармандлар тажрибаларини ўрганиш, омналаштириш ва истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хунармандчилик миллий кадриятларимизнинг ажралмас қисми. Хунармандлар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий электротратларидан саналади. Партия сайловолди Платформасида қайд этилганидек, юксак эстетик қийматга эга миллий хунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, қадимги бадий хунармандчилик мактаблари ҳамда миллий хунармандчилигимизга хос бўлган “устоз-шогирд” анъанасини сақлаб қолиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қўмаклашади. Бу борада Марказий кенгаш ва “Хунарманд” уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик соҳани янада ривожлантириш, электротрат манфаатларини таъминлаш, кадриятларимиз давомчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини юзага чиқариш, муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика “Хунарманд” уюшмаси ташаббуси билан ана шундай мақсадга қаратилган “Мустақил юрт хунармандлари” деб номланган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларининг анъанавий VIII кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Байналмилал маданият маркази ва “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятдан икки юз нафардан зиёд устухунарманд ўзларининг энг сара асарлари билан иштирок этди. Мазкур кўргазма-ярмаркадан мақсад хунармандларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, улар тайёрлаётган маҳсулотларини халқимизга ва мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларга намойиш қилиш, халқ ба-



вожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қўмаклашади. Бу борада Марказий кенгаш ва “Хунарманд” уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик соҳани янада ривожлантириш, электротрат манфаатларини таъминлаш, кадриятларимиз давомчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини юзага чиқариш, муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика “Хунарманд” уюшмаси ташаббуси билан ана шундай мақсадга қаратилган “Мустақил юрт хунармандлари” деб номланган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларининг анъанавий VIII кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Байналмилал маданият маркази ва “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятдан икки юз нафардан зиёд устухунарманд ўзларининг энг сара асарлари билан иштирок этди.

Мазкур кўргазма-ярмаркадан мақсад хунармандларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, улар тайёрлаётган маҳсулотларини халқимизга ва мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларга намойиш қилиш, халқ ба-

дий хунармандчилиги ва амалий санъати сайёҳлар ҳамда ёшларимизнинг қизиқишларини янада оширишдир. Шунингдек, хунармандларга ўз маҳсулотларини сотишда қўмаклашиш, уюшма аъзолари ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш ва ўзаро рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

— Юртимиз азалдан ўзининг уста хунармандлари билан дунёга машҳур, айниқса, худудларимизда ёғоч ўймакорлиги, кулоллик, сангтарошлик, зардўзлик, нақшошлик, каштадўзлик, гилмдўзлик, заргарлик сингари қадимий хунарлар авлоддан-авлодга ўтиб, халқимизнинг миллий кадриятлари даражасига кўтарилган, — дейди Республика “Хунарманд” уюшмаси раиси Муҳаммадйосиф Қурбоннов. — Бугун мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга оид ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилиб, солиқ имтиёзлари ва бошқа қатор енгилликлар берилмоқда. Бунинг самарасида хунармандлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. 1997 йилда уюшма аъзолари 700 нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб, уларнинг сони 21 232 нафарга етди. Уюшма аъзолари хунармандчиликнинг 25 йўналиши бўйича мингдан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқармоқда. Шу боис ҳам улар ўз меҳнатлари орқали юртимиз ҳамда қўллаб-қувватлаш давлатларида ўтказилган фестиваллар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этишляпти. Бундай тадбирлар миллий хунармандлик анъаналарини ривожлантириш, соҳа вакилларига ўз маҳсулотларини тарғиб қилиш ва сотиш учун имконият яратишда муҳим аҳамият касб этади.

— Хунар — инсон зийнати, хунарнинг қалбида яратувчанлик, хонадониде барак бўлади, — дейди андижонлик ёғоч ўймаkori Шавкат Раҳимов. — Ўтган йиллар давомида фаолиятимизни янада кенгайтириб, хунармандчиликнинг 15 га яқин турида маҳсулот тайёрлапмиз. Маҳсулотларимизга қадимий нақш услублари билан бирга замонавийликни ҳам ўйналантираётимиз. Натижада улар янада харидориги бўлаётди.

Халқимизнинг бетакор хунармандчилик намуналари маҳоратли ва зукко ёшларимиз томонидан ҳам муносиб давом эттирилмоқда. Хунарни санъат даражасига кўтарган ғиждувонлик Гулсал Камолова улардан бири.

— Бугун биз каби ёш хунармандларга, кичик бизнес вакиллари яратиётган имтиёз ва қулайликлар, ташаббусларимиз давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани янада кўпроқ масъулият билан ишлашга даъват этади, — дейди Гулсал. — Етти ёшдан каштачилик билан шуғулланиб келаман. Айни пайтда хорижда ўзбек миллий сўзана-си ва миллий кашталар сотишни йўлга қўйганмиз. Келгусида оилавий хунармандчилигимизни кенгайтириб, маҳсулотларимизни янада кўпроқ экспорт қилишни кўзлаётимиз.

Тадбирда “Кўргазмаларнинг энг фаол иштирокчиси”, “Энг кўп шогирдлар тарбиялаган”, “Анжуманнинг ёши улуг қатнашчиси”, “Энг ёш қатнашчиси”, “Қадимий хунар турларини қайта тиклаган” каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Иммунитетни оширувчи қорағат

Қорағат меваси таркибида В, Р витаминлари, А провитами, қанд, пектин, каротин моддалари, фосфор кислота-си, эфир мойи ва қатор фойдали тузлар мавжуд. Организмининг аскорбин кислотасига бўлган бир суткалик эҳтиёжини таъминлаш учун унинг 15-20 дона мевасини истеъмол қилиш кифоя. Қорағат сервитамин бўлгани учун иштаха очади, тумов, грипп касалликларини даволашда яхши ёрдам беради. Бунинг учун шакарга қорилган мевасидан қунига 2-3 марта бир чой қошиқдан ичиб туриш кифоя.

Камқувват, толиққан беморларга қунига бир марта, бир чой қошиқдан истеъмол қилиш тавсия этилади. Меъда, иситма, қон кетишни даволашда чойга қўшиб ичилади. Ичак, буйрак ва сийдик йўллари тозалашда қорағат шарбатидан қунига бир ош қошиқдан бир марта ичиш самара беради. Томоқ, милк, тиш касалликларини даволашда ҳам унинг мевасини мунтазам истеъмол қилиш фойдали. Ревматизм билан оғриганда қорағат барги қайнатилган сувда ванна қилиш лозим. Шунингдек, унда саратон хасталиклари пайдо бўлишига тўсқинлик қилувчи, юрак ва томир хасталиқларидан ҳимояловчи ҳамда кўз қувватини оширишга ёрдам берувчи хусусиятлар бор.

Қорағат таркибидаги С витамини организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун жуда муҳим. Унда яллиғланишга қарши ва дезинфекцияловчи хусусият ҳам бор. Сувидан ангинани даволашда фойдаланилади. Халқ табибатида ушбу мевадан гиёҳли чой дамламаси ҳамда диарея ва ҳароратни тушириш учун дорилар тайёрланади. Қорағат иммунитетни ҳамда организмнинг турли касалликларга қаршилик кўрсата олиш хусусиятини оширади.

Қорағат меваларидан тайёрланган қайнатмалар камқонликда, гипертония хасталиги, милкларнинг қонаши, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, гастритга ижобий таъсир кўрсатади. Қорағат баргларида тайёрланган дамламалар организмни сийдик ва пурин кислотасидан халос қилади. Ундан терлатувчи, ични енгил сурувчи восита сифатида фойдаланилади ҳамда моддалар алмашинуви бузилганида қўлланилади.

БИЛАСИЗМИ?

● Машҳур сайёҳ Жеймс Кук Антарктидадан ташқари сайёраимизнинг барча қитъасига қадами етган илк одам.
● Меркурий қуёш тизимидаги энг тез ҳаракатланадиган сайёрадир: қуёш атрофида секундига 47,87 километр тезлик билан ҳаракатланади. Бу Ер сайёрасининг тезлигидан деярли икки баравар кўп. Тез ҳаракатлангани ҳамда Қуёшга энг яқин жойлашгани учун Меркурийда йил 87,99 кунга тенг бўлиб, тахминан уч ой давом этади.

ТУРФА ОЛАМ

Марсга сунъий йўлдош учиради

АҚШ аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги “Қизил сайёра” тузилишини ўрганиш мақсадида яратилган “InSight” тадқиқот аппаратининг ҳолати ҳақида маълумот етказиб туриш учун илк бор иккита кичик сунъий йўлдошларни Марсга учирини режалаштирган.

Сунъий йўлдошлар фазога 2016 йилда Калифорния штатида жойлашган Ванденберг ҳарбий-ҳаво базасининг “Атлас-5” ракета-ташувчиси воситасида олиб чиқилди. Ўзгача сунъий йўлдошлар “MarCO” деб номланган. Ҳар бир аппаратга иккитадан антенна ҳамда қуёш панеллари ўрнатилган. Олимларнинг айтишича, ускунанинг қўриниши кичик жомадон ёки катта китобни эслатади.

“InSight” аппаратини Марсга 2016 йил сентябрда қўндириш режалаштирилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур сунъий йўлдош Марс орбитасидан туриб “InSight” аппаратининг сайёра юзасига қандай қўнгани тўғрисида ҳам маълумот етказиши керак. Шу боис, унга қадар ҳар иккала сунъий йўлдош ҳам сайёра орбитасига етиб келиши лозим. Ракета-ташувчилар сунъий йўлдошларни керакли манзилга олиб чиққанидан сўнг ускуналар “Қизил сайёра”га ўз йўналишлари бўйлаб, мустақил ҳолда учиб боради.

Ёнғоқ умрни узайтиради

Қунига 15 грамм ёнғоқ истеъмол қилиш умрни узайтиради.

Мазкур хулосани исботлаш учун Ван ден Бранд бошчилигидаги Маастрихт университети олимлари 1986 йилдан бошлаб турли ҳаёт тарзини ихтиёр этган 55-69 ёш оралиғидаги 120 мингдан зиёд одамлар иштирокида тадқиқот ўтказди. Тадқиқот аввалида улардан қунига қанча миқдорда ёнғоқ, ерэнғоқ ёки ерэнғоқ мойи истеъмол қилишлари сўралди. Бир неча йил ўтгандан сўнг олимлар тадқиқотда иштирок этганларнинг қанчаси қандай касаллик туфайли вафот этганини ўрганишди. Маълум бўлишича, ёнғоқ ва ерэнғоқни кам истеъмол қилганлар орасида респиратор, саратон ва диабет касалликларидан вафот этганлар кўпчиликини ташкил этган. Ақсинча, шу маҳсулотларни мунтазам истеъмол қилганлар эса бундай хасталикларга камроқ чалинган.

Олимларнинг айтишича, ёнғоқ ва ерэнғоқ ёғ кислоталари, витаминлар, антиоксидантлар ва бошқа моддаларга ниҳоятда бой. Бу эса инсон организми учун жуда фойдалидир.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши интернетда янги Веб-сайт яратиш учун тендер эълон қилади. Сайт юқори технологияларга асосланган ҳолда бир неча сайтни ўз ичига олиши, визуал эффектлар, флеш ва видеороликларни жойлаш имконияти ҳамда почта алоқаси хизматини қўллаб олиши лозим. Сайтда мукамал қидирув тизими, янгиликларнинг хронологик тўплами бўлиши талаб этилади.

Тадбир

16 июнда Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида “Билимлар беллашуви-2015” мусобақасининг якуний босқичи бошланди.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу танлов иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Бу йилги беллашувларнинг



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Аҳор АХМЕДОВ, Сувон НАҲБИДИНОВ, Муҳаммадхон КУРОНОВ, Улғабек МУХАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент 100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари

фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия хайъати бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот

бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қўроз бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 625, Адади — 7933. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтарама КОМИЛОВА

Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 00.15.

ISSN 2010-7714